



NAZORAT-AUDIT AUDITING COMPANY

“Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2016 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига

Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:

ООО «NAZORAT-AUDIT»

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2. Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28.07.2008 йилда берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ № 000067 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000604007713001 ЧЗАКБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-01046, СТИР 202884570, ХХТУТ 84400. email: ltid_nazorat-audit@mail.ru, web: www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган № 05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:

**“Уч Тепа Пахта Тозалаш”
акциядорлик жамияти**

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти Арнасой тумани. Телефон: 998 72 231 74 11.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: № 1793-сонли реестр тартиб рақами билан 21.08.2014 йилда Жиззах вилояти Арнасой тумани хокимияти томонидан рўйхатга олинган.

Хисоб рақами Х/р 2021 0000 0051 0070 2001 «Арнасой Агробанк» АТБ нинг Арнасой филиали, МФО: 00124 СТИР: 201009334, ИФУТ: 13101.

Жамият бошқаруви раиси: Хайдаров Миршароф

Асосий фаолият тури: Пахта толаларини тайёрлаш ва йигириш

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “NAZORAT-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг аудитори У.Тилолов, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 28.03.2013 йилда берилган № 04530 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан “Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамияти ўртасида 04.04.2017 йилда тузилган 22/05 Ж-сонли шартномага асосан “Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамиятининг 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона

баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2, “Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот” - 4-шакл, “Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот” - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамияти нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Уч Тепа Пахта Тозалаш” акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»
Аудиторлик ташкилоти директори:**

Аудитор:



Б.Н.Назаров.

У.Тилавов.

Хулоса тузилган сана:

«30» апрел 2017 года